# ЮРИЙ ВЛАДИМИРОВИЧ АНДРОПОВНИ ДАФН ЭТИШ МАРОСИМИ

## А. А. ГРОМИКО нутқи

Азиз ўртоқлар!

Коммунистлар, бутун совет халқи Юрий Владимирович Андроповнинг вафот этганлигидан чуқур қайғурмоқдалар. Партиямиз билан давлатимизнинг атоқли арбоби, Ленин типидаги раҳбар, зўр ақл соҳиби, ғоят хушфеъл инсон ҳаётдан кўз юмди.

Юрий Владимировичнинг ҳаёт йўли — коммунизм улуғ ишига астойдил содиқликнинг ёрқин намунасидир. У ўз халқининг садоқатли фарзанди эди ва ўзини батамом — бутун кўп қиррали истеъдодини, ўзининг бутун кучини халққа хизмат қилишга сарфлади.,

Совет кишилари ҳаётининг кўпгина соҳаларидаги, КПСС XXVI съезди ўртага қўйган тарихий вазифаларни амалда рўёбга чиқаришдаги катта-катта ижобий силжишлар Юрий Владимирович Андропов номи билан боғланган.

Хўжалик, ташкилий, маънавий соҳалар бўлмасин — ҳамма жойда партия Марказий Комитети амалга ошираётган ишларга Юрий Владимирович қўшган катта шахсий ҳисса сезилмоқда. Совет экономикаси суръатлари кучаймоқда. Совет кишилари мамлакатни социал ва иқтисодий ривожлантириш планларини бажариш соҳасида баланд руҳ билан меҳнат қилмоқдалар.

Социалистик мамлакатларнинг қардошларча ҳамкорлиги янада чуқурлашди. Бунда ҳам Юрий Владимирович Андропов кўп иш қилди.

Юрий Владимирович совет кишилари, ер юзидаги барча кишилар тинчлик шароитида яшашлари тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилди. У кишиларнинг ҳозирги ва келгуси авлодлари ўз келажагидан хавотир олмасликлари учун ҳамма ишни қилди.

КПСС Марказий Комитети унинг раҳбарлигида халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш, давлатларнинг тинч-тотув яшаши йўлини сабот билан давом эттирди.

Юрий Владимирович ташқи сиёсат масалалари билан мунтазам шуғулланди. Мураккаб халқаро проблемаларда асосий нарсани кўра билиш қобилияти унга хос фазилат эди. У истиқболни ҳам, бугунги кунда нималар қилиш кераклигини ҳам, ҳар бир муайян пайтда қандай қарорлар қабул қилиш лозимлигини ҳам кўра билар эди. Партия билан давлатдаги олий лавозимлар унга ишониб топширилган даврда унинг ана шу фазилатлари жуда тўлиқ намоён бўлди.

КПСС Марказий Комитети, Сиёсий бюро партия съездларининг ва Марказий Комитет Пленумларининг қарорларига амал қилиб, ҳозирги мураккаб халқаро шароитларда ҳам ишларни комил ишонч билан олиб бормоқдалар. Марказий Комитетнинг кеча бўлиб ўтган Пленуми буни яна бир бор зўр куч билан тасдиқлади.

Совет Иттифоқи, унинг раҳбарлари ўз хавфсизлигини ҳамда иттифоқчиларининг хавфсизлигини таъминлаш юзасидан мажбурий чораларни, зарур чораларни кўрар эканлар инсониятга таҳлика солиб турган уруш хавфини даф этишга, халқаро вазиятни соғломлаштиришга қаратилган куч-ғайратларни бўшаштираётганлари йўқ ва бўшаштирмайдилар ҳам.

Мамлакатимиз принципиал аҳамиятга эга бўлган бир қанча катта ташаббуслар билан майдонга чиқди. Бу ташаббусларнинг моҳияти тинчликни мустаҳкамлашдан иборатдир. Бунинг учун аввало, таркиб топган ҳарбий-стратегик мувозанатни бузиш йўлидаги уринишлардан воз кечиш, ядровий қуролларни кўпайтиришни тўхтатиш, шу қуролларни чеклаш ва қисқартириш учун куч-ғайрат сарфлаш зарур.

Милитаризм, телбаларча қуролланиш пойгаси ва бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашиш сиёсатини ўтказаётган кимсалар бундай сиёсатдан воз кечишлари ҳамда унинг ўрнига тинчлик ва ҳамкорлик сиёсатини ўтказишлари керак. Совет Иттифоқи уларни мана шунга даъват этмоқда.

Совет Иттифоқи ишончни мустаҳкамлашнинг кенг кўламли тадбирлари тўғрисида шартлашиб олишнинг қатъий тарафдоридир. Ядро қуролига эга бўлган барча давлатлар биринчи бўлиб ядро қуролини ишлатмаслик тўғрисида мажбурият олиши, умуман қуролли кучни ишлатмаслик тўғрисидаги халқаро шартнома бунга кўп жиҳатдан ёрдам берган бўлур эди.

Совет Иттифоқининг таклифлари ҳеч кимни камситмайди, бу таклифлар ҳамма учун баб-баравар манфаатлидир. Биз Ғарб мамлакатлари шу таклифларга жавоб қайтарадилар ва тинчлик иши йўлида биз билан бирга ишлайдилар, деб кутамиз.

Ўртоқлар!

Юрий Владимирович Андропов бизнинг тинчлик, барча давлатлар билан тенг ҳуқуқли ҳамкорлик сиёсатимизнинг амалга оширилиши учун курашди. Бугун биз мотамсаро бошимизни эгиб ва уни сўнгги йўлга кузатиб қўйиб, шу сиёсатни бундан буён ҳам муттасил амалга ошираверамиз, деб яна бир бор айтамиз.

Алвидо, азиз дўстимиз ва ўртоғимиз! Сизнинг порлоқ хотирангиз қалбларимизда, ленинчи партиямиз билан совет халқи ишларида ҳамиша яшайверади.

## К. Н. МАЛИН нутқи

Азиз ўртоқлар!

Биз, москваликлар азиз ва ҳаммамиз учун бениҳоя яқин Юрий Владимирович Андроповнинг вафот этганини билиб, ҳар биримиз нақадар чуқур қайғурганимизни сўз билан ифодалаш қийин. Унинг сиймосида партия билан мамлакат доно сиёсий арбобдан, меҳнаткашлар оммасининг истеъдодли ташкилотчисидан жудо бўлдилар.

Юрий Владимирович ўзининг ҳаётий йўлини ишчиликдан бошлади ва умрининг сўнгги кунларигача ишчилар синфининг энг яхши фазилатларини ўзида мужассамлаштириб келди, бутун кучи, билими ва тажрибасини ишчилар синфининг манфаатлари учун, меҳнаткашларнинг бахт-саодати учун курашга бағишлади. У оддий кишиларнинг фикр-ўйлари ва орзу-умидларини доимо сезгирлик билан пайқаб олар, улар билан жонли мулоқот унинг ички эҳтиёжига айланиб қолган эди.

Унинг Серго Орджоникидзе номли Москва станоксозлик заводи ходимлари билан учрашуви, улар билан дилкаш суҳбати хотирамизда узоқ вақт сақланиб қолади.

Бу учрашув интизом ва уюшқоқликни мустаҳкамлаш, меҳнат унумдорлигини ошириш учун бошланган умумхалқ ҳаракатига қудратли омил берди. Юрий Владимировичнинг даъватига биноан бу ҳаракатни Москванинг илғор ишчи коллективлари биринчи бўлиб бошладилар.

Кейинги вақтларда мамлакат турмушида, ҳар бир меҳнат коллективида рўй бераётган кўпгина қувончли ўзгаришлар Юрий Владимирович Андроповнинг номи билан, унинг партия ва Совет давлатидаги олий лавозимлардаги актив фаолияти билан боғланган. У социалистик Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашга нақадар кўп куч ва ғайрат сарфлаб келганини, ер юзида тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун нақадар эҳтирос билан курашганини ҳаммамиз биламиз ва бунинг учун ундан астойдил миннатдормиз.

Юрий Владимирович Андроповнинг бутун ҳаёти энг муҳим ижтимоий проблемаларни ҳал этишга синфий, чинакам ленинча ёндашиш намунаси, ишдаги ленинча услубнинг ёрқин тимсоли бўлиб хизмат қилади. Шу билан у ишчилар синфининг, бутун совет халқининг жуда юксак обрў-эътиборини, меҳр-муҳаббатини ва чуқур ҳурматини қозонди.

Яқиндагина мен Юрий Владимирович Андроповни автозаводчиларнинг кўп минг кишилик коллективи номидан Пролетар сайлов округидан СССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатган эдим, одамлар бу таклифни нақадар зўр завқ-шавқ билан кутиб олганликларини кўрган эдим. Биз пролетарчилар Ленин ишининг содиқ давомчиси учун овоз бериш мақсадида ҳаммамиз бир кишидек сайлов участкаларига боришга ҳозирлик кўраётган эдик. Аммо шафқатсиз ажал уни орамиздан олиб кетди.

Биз совет ишчилари Юрий Владимирович Андропов билан сўнгги бор видолашар эканмиз, ўз сафларимизни жонажон Коммунистик партия, унинг Марказий Комитети теварагида янада маҳкамроқ жипслаштирамиз! Биз партия белгилаб берган режаларни бажариш учун, коммунизм тантанаси йўлида, ер юзида тинчлик йўлида янада зўр фидокорлик билан меҳнат қиламиз.

Алвидо, азизимиз Юрий Владимирович!

## Д. Ф. УСТИНОВ нутқи

Азиз ўртоқлар!

Шу кунларда совет халқи, Қуролли Кучларнинг жангчилари КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси, СССР Мудофаа Кенгашининг раиси, армия генерали Юрий Владимирович Андроповнинг вафоти муносабати билан чуқур қайғурмоқдалар.

Коммунистик партия билан Совет давлатининг, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоби Юрий Владимирович Андроповнинг бутун шонли ҳаёти халққа, коммунизм қурилишига, Ватанимиз хавфсизлигини мустаҳкамлашга фидокорона хизмат қилишга бағишланди. Совет кишилари, армия ва флот жангчилари учун унинг ҳаёти улуғ Ленин ишига, коммунизм идеалларига содиқликнинг илҳомбахш намунаси бўлиб қолади.

Юрий Владимирович Андропов тинчлик учун, уруш хавфини тугатиш учун толмас, мард курашчи эди. У агрессия кучларини жиловлаш мумкинлигига қатъий ишонар ва халқаро иқлимни соғломлаштириш учун ҳамма ишни қилар эди.

Ҳозирги кескин халқаро вазиятда Юрий Владимирович Андропов тинчлик ишини қаттиқ туриб ҳимоя қилиб, Совет давлатининг мустаҳкам мудофаасини таъминлашга доимо эътибор берар эди. У Совет Қуролли Кучларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, техника билан таъминлашга, жанговар шайликнинг юксак даражада сақланишига доимо эътибор берар ва ғамхўрлик қилар эди. Армия ва флот жангчилари бунинг учун уни астойдил ҳурмат қилар эдилар.

Юрий Владимирович Андропов Лениннинг армия билан халқ бирлигини ҳар томонлама мустаҳкамлаш ҳақидаги, совет ёшларини ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашни яхшилаш ва уларни Ватан ҳимоясига ҳар тарафлама тайёрлаш ҳақидаги васиятини рўёбга чиқаришга кўп куч ва ғайрат сарфлар эди.

Юрий Владимирович Андропов юксак партиявий ва инсоний фазилатлар соҳиби эди. Бениҳоя зўр меҳнатсеварлик, принципиаллик, талабчанликни у оддийлик, камтаринлик, сезгирлик, одамларга меҳрибонлик билан узвий равишда бирга қўшиб олиб борар эди. У партия, революция ветеранларига, уруш ва меҳнат ветеранларига сидқидилдан зўр самимият билан қарар эди.

Юрий Владимирович Андроповнинг назарий асарлари ва нутқлари, унинг бутун фаолияти партиянинг мафкуравий ва ташкилотчилик иши савиясини оширишга жуда катта таъсир ўтказди. Улар армия ва флотдаги партиявий-сиёсий ишни такомиллаштиришга, жангчиларни юксак маънавий-жанговар фазилатлар, хушёрлик руҳида, ўз ватанпарварлик ва интернационал бурчини муносиб равишда бажаришга тайёрлик руҳида тарбиялашга кўмаклашди.

Юрий Владимирович Андропов Варшава Шартномаси мамлакатлари Бирлашган Қуролли Кучларининг ҳар томонлама ҳамкорлигини ривожлантиришга ва уларнинг жанговар қудратини мустаҳкамлашга бебаҳо ҳисса қўшди.

Ўртоқлар!

Партиянинг ленинча йўли ўзгармасдир. КПСС Марказий Комитетининг кеча якдиллик ва жипслик вазиятида бўлиб ўтган Пленуми буни янги куч билан тасдиқлади. Совет халқи, Қуролли Кучларнинг жангчилари марксизм-ленинизм ғояларига астойдил содиқдирлар. Улар КПСС XXVI съезди, Марказий Комитетнинг кейинги Пленумлари ўртага қўйган вазифаларни ҳал этиш учун сабот билан меҳнат қилмоқдалар ва коммунизм йўлидан комил ишонч билан олға бормоқдалар. Шу қайғули дамларда улар ўз сафларини Коммунистик партия ва унинг жанговар штаби — ленинчи Марказий Комитет ва КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси теварагида янада маҳкамроқ жипслаштирмоқдалар.

Коммунистик партия тарбиялаб вояга етказган ва раҳбарлик қилиб келаётган армия билан флот жангчилари бундан буён ҳам социалистик Ватанимиз, совет халқининг тинч бунёдкорлик меҳнати ҳимоясида қаттиқ турадилар ва ҳеч қандай дўқлар бизни чўчита олмайди.

Бугун Совет Қуролли Кучлари ўзларининг қаҳрамонона шуҳратга чулғанган жанговар байроқларини Коммунистик партиянинг содиқ фарзанди, оташин совет ватанпарвари ва интернационалист, жанговар дўстимиз ва ўртоғимиз — Юрий Владимирович Андроповнинг тобути олдида қуйи эгадилар.

Юрий Владимирович Андроповнинг номи, унинг порлоқ сиймоси совет кишиларининг ва социалистик Ватанимиз қуролли ҳимоячиларининг хотирасида ҳамда дилида абадий сақланиб қолади.

Алвидо, азиз дўстимиз ва ўртоғимиз!

## Г. М. МАРКОВ нутқи

Азиз ўртоқлар!

Адабиёт ва санъат арбоблари, совет маданиятининг барча ходимлари Юрий Владимирович Андроповнинг вафот этганини эшитиб астойдил ачиндилар. Бошимизга тушган мусибат бизни нақадар чуқур қайғуга солганини ифодалаш учун сўз топиб бўлмайди.

Партиямиз билан давлатимизни комил ишонч билан бошқариб келаётган буюк инсон ҳаётдан кўз юмди. Юрий Владимировичнинг заковати ва истеъдоди ҳозирги замоннинг энг мураккаб жараёнларини чуқур пайқай олар, уларни чинакам илмий таҳлил этар, олисни кўзловчи хулосалар чиқарар, энг тўғри, ҳар томонлама асосланган қарорлар қабул этар эди. Бунинг учун зўр мардлик, ўткир зеҳн, собитқадамлик, ўзининг бутун кучини партия ишига сарфлай олиш маҳорати талаб қилинар эди. У мана шу фазилатларнинг етук соҳиби эди.

Юрий Владимирович Андроповнинг Ватан бахт-саодати йўлидаги бениҳоя қизғин ишлар билан кечган ёрқин ҳаёти совет халқига садоқат билан хизмат қилиш намунасидир, ленинчи коммунист ўз тақдирини ўз мамлакатининг тақдири билан чамбарчас боғлаганлигининг яққол тасдиғидир.

Юрий Владимирович адибларнинг чин дўсти, меҳрибон мураббийси эди, кўп миллатли Ватанимизнинг адабиёти ва санъатини яхши билар ҳам севар эди. У ижодий ходимларнинг муваффақиятли ишлари ҳақида қувониб гапирар, аммо уларнинг асарларидаги заифликларга ўз муносабатини яширмас ҳам эди.

Юрий Владимирович Андропов адабиётимиз ва санъатимиздаги жамики яхши, чиндан ҳам ҳаққоний, бадиий асарларни қўллаб-қувватлар, уларнинг олдига янги илҳомбахш вазифалар қўяр эди. У социалистик маданият ходимларини ўз меҳнатини халқ турмуши билан, партиямизнинг сиёсий йўли билан, коммунистик қурилишнинг кўп томонлама практикаси билан чамбарчас боғлашга ўргатар эди. У актив ҳаётий позицияни, марксча-ленинча эътиқодлиликни, жўшқин партиявийлик руҳини санъаткор муваффақиятларининг гарови деб ҳисоблар эди. Партия сўзи биз — адабиёт ва санъат ходимларини коммунизм ғояларининг тантанаси учун, тинчлик ишининг ғалабаси учун курашда халққа зарур бўлган янги асарлар яратишга руҳлантириб келди ва руҳлантирмоқда.

Марказий Комитетнинг тўла якдиллик вазиятида ўтган навбатдан ташқари Пленуми партиямизнинг XXVI съездида ишлаб чиқилган ҳамда КПСС Марказий Комитетининг ноябрь, июнь ва декабрь Пленумларида ривожлантирилган йўли ўзгармаслигини тасдиқлаганлиги ҳаммамизда чуқур мамнуният туйғусини вужудга келтиради.

Қайғумизнинг чеки йўқ. Совет маданияти ходимлари барча совет кишилари билан биргаликда жонажон Коммунистик партия байроғи остида, ленинчи Марказий Комитет теварагида янада маҳкамроқ жипслашмоқдалар. Ажойиб коммунист, улуғ халқимизнинг шонли фарзанди Юрий Владимирович Андроповнинг порлоқ номи хотирамизда абадий сақланиб қолади.

## И. И. СЕНЬКИН нутқи

Азиз ўртоқлар!

Улуғ Ленин ишининг содиқ давомчиси, Коммунистик партия билан Совет давлатининг атоқли арбоби, коммунизм идеаллари учун, тинчлик учун матонатли курашчи Юрий Владимирович Андроповнинг вафот этганлиги тўғрисидаги хабар Карелия коммунистларининг, меҳнаткашларининг қалбларига чуқур қайғу солди.

Унинг ҳаёти ва фаолиятидаги кўп йиллар Карелия билан боғлиқ эди. Бу ерда, ўрмонлар ва кўллар ўлкасида Улуғ Ватан урушининг оғир йилларида навқирон Юрий Владимировичнинг сиёсий ва ташкилотчилик истеъдоди мустаҳкамланиб, камол топди. Ўша пайтда у оккупация қилиб олинган республикамиз территориясидаги партизанлар ҳаракатининг ва яширин шароитдаги ишларнинг ташкилотчиларидан бири бўлди. Собиқ партизанлар ва яширин иш олиб борган кишилар ўзларининг комсомол секретарини, унинг сезгирлиги ва одамшавандалигини, унинг шахсий довюраклиги ва ғалабага комил ишончини сидқидилдан самимий эслайдилар.

Урушдан кейинги қийин пайтларда Юрий Владимирович партия ходими — аввалига Петрозаводск шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари, сўнгра республика Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари бўлиб ишлади. Унинг Ленин типидаги раҳбарга хос ажойиб фазилатлари — кенг миқёсда фикрлаш маҳорати, партияга астойдил содиқлиги, ишда принципиаллиги ва талабчанлиги, меҳнат аҳлига яқинлиги, унинг талаб ва эҳтиёжларига астойдил қизиқиб қараши, камтаринлиги ўша йиллардаёқ намоён бўлган эди.

Карелия ва айниқса унинг пойтахти — Петрозаводск шаҳрининг уруш натижасида вайрон бўлган халқ хўжалигини қайта тиклаш соҳасидаги кўпгина шонли ишлар Юрий Владимировичнинг номи билан боғланган. У Карелияни севарди, бу қадимий диёрдаги ишлар қандай бораётганини доимо қизиқиб суриштирарди, республика экономикаси ва маданиятини ривожлантиришга ёрдам берарди.

Бир вақтлар чакалакзор бўлиб ётган жойларда энди энергетика, машинасозликнинг қудратли объектлари қад кўтарганлигини, мамлакатдаги энг катта целлюлоза-қоғоз корхоналари барпо этилганлигини, ҳаммага машҳур кон бойитиш комбинати қурилганлигини ва навқирон Костомукша шаҳри ўсаётганлигини яққол кўриш мумкин.

Барча совет кишилари каби республика коммунистлари, меҳнаткашлари партиямизнинг ҳозирги стратегиясини — етук социализмни такомиллаштириш стратегиясини ҳам қалблари, ҳам ақл-фаросатлари билан қабул этиб, якдиллик билан қўллаб-қувватлайдилар, бу стратегияни ишлаб чиқишда Юрий Владимирович Андропов жуда катта роль ўйнаган эди. Марказий Комитетнинг кеча бўлиб ўтган Пленуми партиямизнинг шу стратегияга содиқлигини, унинг ленинча бош йўлдан, XXVI съезд йўлидан қатъият билан олға боришга азму қарор берганлигини янада зўр куч билан тасдиқлади. Юрий Владимирович Андропов фидокорлик билан курашган мақсадлар, албатта рўёбга чиқарилади!

Алвидо, азизимиз Юрий Владимирович!

---

(Боши биринчи бетда).

бюроси аъзоси, ГБСП Марказий Комитети секретари Г. Миттаг, ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, ГБСП Марказий Комитети секретари Э. Кренц, ГБСП Марказий Комитети аъзоси, ГДРнинг СССРдаги элчиси Э. Винкельман; КХДРдан — КМК Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КХДР вице-президенти Пак Сен Чер (делегация бошлиғи), КМК Марказий Комитетининг аъзоси, Корея — Совет дўстлиги жамияти марказий правлениеси раиси КХДР алоқа министри Ким Ен Чхе, КМП Марказий Комитети аъзоси, КХДР ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари Ли Чон Мок, КМП Марказий Комитети аъзолигига кандидат КХДРнинг СССРдаги элчиси Квон Хи Ген; Куба Республикасидан — Куба Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Куба республикаси Давлат Кенгаши ва Министрлар Советининг раиси Фидель Кастро Русь (делегация бошлиғи), Куба Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, Куба Республикаси Давлат Кенгаши ва Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Карлос Рафаэль Родригес, Куба Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Марказий Комитет секретариатининг аъзоси, Куба Компартияси Марказий Комитети халқаро бўлимининг мудири Хесус Монтане Орапеса, Куба Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Давлат Кенгашининг аъзоси, Куба меҳнаткашлари касаба союз марказининг бош секретари Роберто Вейга Менендес, Куба Компартияси Марказий Комитети секретариатининг аъзоси, Куба Республикасининг СССРдаги элчиси Лионель Сото; ЛХДРдан — ЛХДР Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ЛХДР президенти, ЛХДР олий халқ мажлисининг раиси Суфанувонг (делегация бошлиғи), ЛХРП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, ЛХРП Марказий Комитетининг секретари, ЛХДР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, ЛХДР миллий мудофаа министри Кхамтай Сипхандон, ЛХРП Марказий Комитети аъзоси, ЛХДР ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари Кхампхай Буфа, ЛХРП Марказий Комитети аъзоси, ЛХДРнинг СССРдаги элчиси Кхамта Дуангтхонгла; МХРдан — МХРП Марказий Комитетининг Бош секретари, МХР Буюк халқ хурали Президиумининг Раиси Ю. Цеденбал (делегация бошлиғи), МХРП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, МХР Министрлар Советининг Раиси Ж. Батмунх, МХРнинг СССРдаги элчихонаси маслаҳатчи элчиси Л. Хашбат; ПХРдан — ПБИП Марказий Комитетининг биринчи секретари, ПХР Министрлар Советининг Раиси В. Ярузельский (делегация бошлиғи), ПХР Давлат Кенгашининг Раиси Г. Яблоньский, ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, ПБИП Марказий Комитетининг секретари Ю. Чирек, ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, ПХР ички ишлар министри Ч. Кишчак, ПХРнинг СССРдаги элчиси С. Кочолек; РСРдан — РКП Бош секретари, РСР президенти Н. Чаушеску (делегация бошлиғи), РКП Марказий Комитети Сиёсий ижроия комитетининг аъзоси, РСР ҳукуматининг Бош министри К. Дэскэлеску, РКП Марказий Комитети Сиёсий ижроия комитети аъзолигига кандидат, РКП Марказий Комитетининг секретари М. Добреску, РКП Марказий Комитети аъзоси, РСРнинг СССРдаги элчиси Т. Дудаш; ЧССРдан — ЧКП Марказий Комитети Бош секретари, ЧССР Президенти Г. Гусак, (делегация бошлиғи), ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, ЧССР ҳукуматининг Раиси Л. Штроугал, ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, ЧКП Марказий Комитети секретари В. Биляк, ЧКП Марказий Комитети аъзоси, ЧССРнинг СССРдаги элчиси Ч. Ловитинский; ЮСФРдан — ЮСФР Президиумининг Раиси М. Шпиляк, ЮКС Марказий Комитети Президиумининг Раиси Д. Маркович, ЮСФР Иттифоқ ижроия вечасининг аъзоси Е. Сирбован, ЮКС Марказий Комитетининг аъзоси, ЮСФРнинг СССРдаги элчиси М. Друлович.

ХХР Давлат Кенгаши Бош Министрининг ўринбосари, ХКП Марказий Комитети Сиёсий бюроси ва секретариатининг аъзоси Ван Ли (делегация бошлиғи), ХХР ташқи ишлар министрининг ўринбосари Цянь Цичэнь, ХХРнинг СССРдаги элчиси Ян Шоучжэнь, ХХР ташқи ишлар министрлиги бўлимининг мудири Ма Сюйшэндан иборат ХХР ҳукумат делегация ҳам шу ерда.

Минбарларда: партия Бош секретари Ж. Марше бошчилигидаги Франция Коммунистик партияси; АҚШ Коммунистик партиясидан — партия Бош секретари Г. Холл; партия раиси Г. Мис бошчилигидаги Германия Коммунистик партияси; Португалия Коммунистик партиясидан — партия бош секретари А. Куньял; Ҳиндистон Коммунистик партиясидан — партия Миллий Кенгашининг Бош секретари Р. Рао; партия Бош секретари Э. Берлингуэр бошчилигидаги Италия Коммунистик партияси; партия Марказий Комитети Бош секретари Х. Флоракис бошчилигидаги Греция Коммунистик партияси; партия Бош секретари Э. Папаиоанну бошчилигидаги Кипр меҳнаткаш халқ прогрессив партияси; Австрия Коммунистик партиясидан — партия раиси Ф. Мури; Ғарбий Берлин Бирлашган социалистик партиясидан — партия раиси Х. Шмитт; Дания Коммунистик партиясидан — партия раиси И. Емсен; Бельгия Коммунистик партиясидан — партия раиси Л. Ван Гейт; Норвегия Коммунистик партиясидан — партия раиси Х. Клевен; партия раиси И. Каяноя бошчилигидаги Финляндия Коммунистик партияси; Буюк Британия Коммунистик партиясидан — партия бош секретари Г. Макленнан; Канада Коммунистик партиясидан — партия бош секретари У. Каштан; партия Марказий Комитети Бош секретари М. Вильнер бошчилигидаги Исроил Коммунистик партияси; партия Марказий Комитети ижроия комитети ва секретариатининг аъзоси Ф. Ромеро Марин бошчилигидаги Испания Коммунистик партияси; партия Бош секретари И. Гальего бошчилигидаги Коммунистик партия (Испания); Люксембург Коммунистик партиясидан — партия раиси Р. Урбани; Швейцария Меҳнат партиясидан — партия бош секретари А. Маньен; Швеция коммунистлари сўл партиясидан — партия правлениеси ижроия комитетининг аъзоси Б. Энгстерм; Швеция коммунистлари ишчи партиясидан — партия правлениесининг раиси Р. Хагель; Сан-Марино Коммунистик партиясидан — партия Бош секретари У. Барулли; партия бош секретари А. Вассало бошчилигидаги Мальта Коммунистик партияси; Сурия Коммунистик партиясидан — партия Марказий Комитети Бош секретари Х. Бағдаш; Ливан Коммунистик партиясидан — партия Марказий Комитети Бош секретари Ж. Хауи; Марокаш тараққиёт ва социализм партиясидан — партия Бош секретари Али Ята; Тунис Коммунистик партиясидан — партиянинг биринчи секретари М. Хармель; Жанубий Африка Коммунистик партиясидан — партия Бош секретари М. Мабида; Ироқ Коммунистик партиясидан — партия Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси З. Хейри; Фаластин Коммунистик партиясидан — партия Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси С. Нажаб; партия Марказий Комитети биринчи секретари Р. Арисменди бошчилигидаги Уругвай Коммунистик партияси; Гайана халқ прогрессив партиясидан — партия Бош секретари Ч. Жаган; Ганти коммунистлари бирлашган партиясидан — партия марказий комитети бош секретари Р. Теодор; партия Марказий Комитети Сиёсий комиссияси ва секретариатининг аъзоси В. Тейтельбойм бошчилигидаги Чили Коммунистик партияси; Боливия Коммунистик партиясидан — партия Марказий Комитети Сиёсий комиссияси ва секретариатининг аъзоси С. Рейес; Панама халқ партиясидан — партия Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Л. Томас; партия Марказий Комитети секретариатининг раиси М. Канэко бошчилигидаги Япония Коммунистик партияси; «Проблемы мира и социализма» журнали редакцияси; Афғонистон Халқ демократик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, АДР Революцион Кенгашининг Раиси Б. Кармал бошчилигидаги Афғонистон Демократик Республикаси; Яман Социалистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, ЯХДР Олий Халқ Кенгаши Президиумининг Раиси, Бош министри А. Н. Муҳаммад бошчилигидаги Яман Халқ Демократик Республикаси; Кампучия Халқ революцион партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, КХР Давлат Кенгашининг Раиси Хенг Самрин бошчилигидаги Кампучия Халқ Республикаси; Араб Социалистик уйғониш партияси бош секретарининг ўринбосари А. Аҳмар бошчилигидаги Сурия Араб Республикаси; МПЛА — Меҳнат партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Унта касаба союз маркази бош секретари П. Лувуиалу бошчилигидаги Ангола Халқ Республикаси; Эфиопия меҳнаткашлари партияси ташкилот комиссиясининг раиси, Социалистик Эфиопия Мувақҡат ҳарбий маъмурий кенгашининг раиси Менгисту Хайле Мариам бошчилигидаги социалистик Эфиопия; Сандиночилар Миллий озодлик фронти миллий раҳбарлик органининг аъзоси, Миллий тикланиш ҳукумати раҳбарлик кенгашининг координатори, революция команданти Даниэль Ортега Сааведра бошчилигидаги Никарагуа республикаси; Фрелимо партиясининг раиси, МХР президенти Самора М. Машель бошчилигидаги Мозамбик Халқ Республикаси; Миллий озодлик фронти партияси Сиёсий бюросининг аъзоси, партия Марказий Комитети доимий секретариатининг раҳбари М. Ш. Мессадия бошчилигидаги Жазоир Халқ Демократик Республикаси; Мали халқ демократик иттифоқи марказий ижроия бюросининг аъзоси, ташқи алоқалар бўйича секретари М. Агхамани бошчилигидаги Мали Республикаси; Замбия Миллий мустақиллик бирлашган партиясининг бош секретари Х. Мулемба бошчилигидаги Замбия республикаси; Малагасия революцияси авангарди партияси бош секретари, МДР президенти Р. Рацирака бошчилигидаги Мадагаскар Демократик Республикаси; ПАИГК Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ГБР бош министри В. Сауде Мариа бошчилигидаги Гвинея-Бисау республикаси; Бирлик ва миллий тараққиёт партияси Бош секретари, Бурунди республикаси миллат мажлисининг раиси Э. Мвороха бошчилигидаги Бурунди республикаси; ПАИКВ Миллий кенгаши сиёсий комиссиясининг аъзоси, ички ишлар министри Ж. С. ди Карвалью бошчилигидаги Яшил Бурун ороллари республикаси; Конго Меҳнат партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КХР ташқи ишлар министри П. Нзе бошчилигидаги Конго Халқ Республикаси; Бенин Халқ Республикаси партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, БХР Олий таълим ва илмий-тадқиқотлар министри А. Монтейро бошчилигидаги Бенин Халқ Республикаси; ГДП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Бош министр Л. Беавоги бошчилигидаги Гвинея Халқ Революцион Республикаси; Революцион партия бош секретари Р. М. Кавава бошчилигидаги Танзания Бирлашган Республикаси; ФОТ ижроия комитети Раиси Я. Арафат бошчилигидаги Фаластин Озодлик Ташкилоти; Жануби — Ғарбий Африка халқ ташкилоти (СВАПО) президенти С. Нуйома бошчилигидаги СВАПО (Намибия); Жанубий Африка африкаликлар миллий конгрессидан — конгресс бош секретари А. Нзо; Мадагаскар мустақиллиги конгресси партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари К. Рамамондзисуа бошчилигидаги шу партия; Чили Социалистик партиясидан — партия бош секретари К. Альмейда; партия Марказий Ижроия комитетининг раиси М. Исибаси бошчилигидаги Япония Социалистик партияси делегациялари; Жаҳон Тинчлик Кенгаши президенти Р. Чандра; Жаҳон касаба союзлари федерациясининг бош секретари И. Закария бор эдилар.

Федерал канцлер Ф. Зиновац бошчилигида Австрия делегацияси; Австралия хазина ишлари министри П. Ж. Китинг; президент ёрдамчиси М. Салем бошчилигидаги Миср; вице-президент В. Мартинес бошчилигидаги Аргентина; бош ҳарбий маъмурият ўринбосари контр-адмирал М. А. Хань бошчилигидаги Бангладеш; Бош министр ўринбосари Ж. Голь бошчилигидаги Бельгия; ташқи ишлар министри А. М. Могве бошчилигидаги Ботсвана; министр Я. Гонсальвес бошчилигидаги Бразилия делегациялари; Папа Иоанна Павел II нинг шахсий вакили Ж. Лежен; Бош министри М. Тэтчер бошчилигидаги Буюк Британия; вице-президент М. Шахобиддин бошчилигидаги Гайана; федерал канцлер Г. Коль бошчилигидаги ГФР; Бош министр А. Папандреу бошчилигидаги Греция делегациялари; шаҳзода Хенрик ва Дания Бош министри П. Шлютер; президент К. Банана бошчилигидаги Зимбабве; Бош министр И. Ганди бошчилигидаги Ҳиндистон; ташқи ишлар министри М. Кусумаатмажа бошчилигидаги Индонезия; министр А. Абу Ода бошчилигидаги Иордания; вице-президент Т. М. Маъруф бошчилигидаги Ироқ; президент П. Хиллери бошчилигидаги Ирландия; Бош министр С. Херманнссон бошчилигидаги Исландия; ҳукумат раисининг ўринбосари А. Герра Гонсалес бошчилигидаги Испания; Президент А. Пертини бошчилигидаги Италия; вице-президент А. Ал-Араши бошчилигидаги ЯАР; ташқи ишлар министри Ф. Т. Мбок бошчилигидаги Камерун; Бош министр П. Э. Трюдо бошчилигидаги Канада делегациялари; Кения ташқи ишлар министри Э. Мвангале; Президент С. Киприану бошчилигидаги Кипр делегацияси; Ливаннинг собиқ президенти Ш. Хелу; Ливия революция раҳбарлигининг аъзоси А. Б. Юнес; Люксембург ҳукумати раисининг ўринбосари, ташқи ишлар министри К. Флеш; Мавритания миллий халоскорлик ҳарбий комитетининг аъзоси майор Шайх Сид Аҳмад Улд Баба Мина; министр А. Заки бошчилигидаги Мальдив Республикаси делегацияси; Мальта президенти А. Барбара; валиаҳд С. Муҳаммад бошчилигидаги Марокаш; конгресс депутатлар палатаси катта комиссиясининг раиси У. Луго Хил бошчилигидаги Мексика делегациялари; Нидерландия ташқи ишлар министри Х. Ван Дэн Брук; олий ҳарбий кенгаш аъзоси М. Д. Адаму бошчилигидаги Нигер; қуролли кучлар бош қўмондони штабининг бошлиғи Т. Идиагбон бошчилигидаги Нигерия делегациялари; Янги Зеландия министри Ж. Больжер; валиаҳд Харальд ва Норвегия бош министри К. Виллок; Президент Зиёул Ҳақ бошчилигидаги Покистон делегацияси; Португалия Бош министри М. Соареш; Луанда министри А. Нтагерура; Капитан регентлар Р. Ренци, Ж. де Бьяжи бошчилигидаги Сан-Марино; вице-президент Ж. Бўш бошчилигидаги АҚШ; Судан социалистик союзи марказий раҳбарларининг биринчи секретари Б. Сулаймон бошчилигидаги Судан; ташқи ишлар министри А. Конте бошчилигидаги Сьерра Леоне; ташқи ишлар министри Б. К. Эс-Себси бошчилигидаги Тунис; Бош министри Т. Озал бошчилигидаги Туркия; Бош министр О. Алимади бошчилигидаги Уганда; Президент М. Койвисто бошчилигидаги Финляндия; Бош министр П. Моруа бошчилигидаги Франция; ташқи ишлар департаментининг бошлиғи П. Обер бошчилигидаги Швейцария делегациялари; шаҳзода Бертиль ва Швеция Бош министри У. Пальме; Шри-Ланке ташқи ишлар министри А. К. Ш. Ҳамид; Япония ташқи ишлар министри С. Абэ ҳам ҳозир бўлдилар.

Бирма, Венесуэла, Габон, Заир, Эрон, Коста-Рика, Қувайт, Лесото, Либерия, Малайзия, Непаль, Перу, Сейшел ороллари, Сенегал, Сингапур, Сомали, Того, Тринидад ва Тобаго, Филиппин, Чад, Эквадор, Ямайка ва бошқа мамлакатларнинг ҳукуматлари ўзларининг расмий вакилларини Ю. В. Андроповни дафн этиш маросимига юбордилар. Бу ерда «Оксидентл Петролеум корпорейшн» компанияси директорлар кенгашининг раиси ва президент Арманд Хаммер бор эди.

(Давоми учинчи бетда).

